

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВ ЖАМШИД СУЛТОНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА КЎП ФУНКЦИЯЛИ ТАЪСИРГА  
ЭГА БЎЛГАН ХЛОРАТЛИ ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of the abstract of dissertation doctor of science**

**Шукуров Жамшид Султонович**

Маҳаллий хом ашё асосида кўп функцияли таъсирга эга бўлган хлоратли дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Шукуров Жамшид Султонович**

Разработка технологии получения хлоратсодержащих дефолиантов полифункционального действия на основе местного сырья..... 27

**Shukurov Jamshid Sultonovich**

Development of the technology for obtaining chlorate-containing defoliant of polyfunctional action based on local raw materials..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ  
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**ШУКУРОВ ЖАМШИД СУЛТОНОВИЧ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ АСОСИДА КЎП ФУНКЦИЯЛИ ТАЪСИРГА  
ЭГА БЎЛГАН ХЛОРАТЛИ ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/T116 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Тухтаев Сайдиахрал**

кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Расмий оппонентлар:**

**Беглов Борис Михайлович**

техника фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги

**Усманов Султан Усманович**

техника фанлари доктори, профессор

**Хамракулов Зоҳидбек Абдусаматович**

техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «19» 04. 2018 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2018 йил «05» апрел куни тарқатилди.  
(2018 йил «05» апрелдаги № 9 рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

**Д.С. Салиханова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**С.А. Абдурахимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раис ўринбосари, т.ф.д. профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда аҳолининг йил сайин ўсиши ва экин ер майдонларининг камайиши туфайли, инсониятни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш илм – фаннинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда агросаноат комплексини минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситалари, стимуляторлар ва дефолиантлар билан таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Дефолиантлар таъсирида ҳосил қисқа муддатда, сифатли йиғиб олинади. Бу ўринда кам захарли, кўп функцияли, самарали дефолиантларни ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда бир вақтнинг ўзида кўп функцияли таъсир этувчи, яни дефолиацияловчи, физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган кам захарли дефолиантларни синтез қилиш ва улардан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ғўзага комплекс таъсир этувчи физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган дефолиантларни олиш ва шолини пишиб етилишини тезлаштирувчи, ҳосилни йиғиб олиш муддатини қисқартирувчи, кам захарли, кўп функцияли таъсир этувчи хлоратли дефолиантларни яратиш, олинган янги кимёвий бирикмаларни замонавий физик-кимёвий усулларда таҳлил қилиш, дефолиантларни реологик хоссаларини аниқлаш ва дефолиантларнинг олиниш технологиясини ишлаб чиқиш, экологик-токсикологик хоссаларини тадқиқ этиш, уларни ғўзада ва шолида дефолиацияловчи фаоллигини аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда сифатли, комплекс таъсирга эга бўлган янги дефолиантларни олиш ва қишлоқ хўжалигини ушбу препаратлар билан таъминлаш борасида муайян натижаларга эришилди. Хусусан, таркибида хлоратлар ва физиологик фаол моддалардан ташкил топган Морел, Сихат, Садаф, Супер ХМД, ПолиДеф, ЎзДеф препаратларини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учунчи йўналишида «...саноатни ривожлантириш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш» га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан саноатимизда натрий хлорат, озуклантирувчи, физиологик фаол моддалар ва инсектицидлар асосида комплекс таъсир этувчи препаратларни синтез қилиш, олиниш технологиясини ишлаб чиқиш ва турли қишлоқ хўжалиги экинларида агрокимёвий синовлардан ўтказиш, яни бир вақтнинг ўзида дефолиацияловчи, физиологик фаол, инсектицид хусусиятга эга бўлган дефолиантларни ва донли, дуккакли, мойли ва полиз экинларни пишиб етилишини тезлаштирувчи, кўп функцияли таъсирга эга бўлган препаратларни олиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4-мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш,

модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора тадбирлари дастури тўғрисида», 2017 йил 2-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**<sup>1</sup> Органик ва ноорганик дефолиантлар ва десикантларни олиш, уларнинг биологик ва физиологик хусусиятларини яхшилаш, ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан University of Arkansas Division of Agriculture (АҚШ), University of California, (АҚШ), University of Cordoba (Испания), Cotton in Central China and Virulence on Selected Cotton Cultivars (Хитой), Indian Council of Agricultural Research (Ҳиндистон), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Cotton Research Institute in Multan and Islamabad (Покистон), “ФосАгро-Череповец” АЖ қошидаги Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институтида (Россия) олиб борилмоқда.

Жаҳонда комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш ва қўллаш соҳасида тадқиқотлар олиб борилган ва қуйидаги қатор илмий натижалар олинган, жумладан: физиологик хоссалари юқори, таъсир этувчи моддаси 2-хлорэтилфосфон кислотаси ( $\text{ClCH}_2\text{CH}_2\text{P}(\text{OH})_2\text{O}$ ) бўлган, этрел, этефон, компазан, морел органик препаратлари ишлаб чиқилган (Калифорния Университети, Авиасозлик ва механика кафедраси, АҚШ); ғўза кўсақларини пишиб етилишини ва очилишини тезлаштирувчи дропп дефолиантининг таъсир этувчи моддаси – тидиазурон синтез қилинган («Shering» илмий маркази, Германия); этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида, юқори молекуляр бирикма полимер - полигексаметиленгуанидин дефолианти ишлаб чиқилган (“ФосАгро-Череповец” АЖ, Россия), натрий хлорати асосида Defol 5, Defol 6, Defol 750 номли дефолиантлар ва десикантлар ишлаб чиқилган (Аризона Университети, АҚШ).

Дунёда ноорганик ва органик моддалар асосида дефолиацияловчи ва физиологик фаол хусусиятга эга дефолиантлар синтез қилиш ва ишлаб

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://chem.iitm.ac.in>, <https://en.ustc.edu.cn>, <https://www.fipr.state.fl.us>, <https://www.dobersek.com>, <https://www.ichp.pl>, <https://www.csj.jp>, <https://dmpe.aut.ac.ir>, <https://www.niui.ru>, <https://www.ionx.uz> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда куйидаги, қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда: хлоратлар, хроматлар ва бихроматлар асосида кам захарли комплекс таъсир этувчи ноорганик препаратларни олиш; тиоэфирлар, полисульфидлар, сульфооксидлар, гидразин ҳосилаларини синтез қилиш; альдегидлар ва уларнинг ҳосилалари, галогенкарбон кислоталар, тиокарбон ва карбон кислоталарининг ҳосилалари, фосфорорганик ва гетероциклик бирикмалар асосида олдиндан белгиланган хусусиятларга эга бўлган органик препаратлар олиш ва технологиясини яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларда органик ва ноорганик моддалар асосида дефолиантлар олиш бўйича ишлар кенг ёритилган. Ўзбекистонда Набиев М.Н. раҳбарлигида ноорганик моддалар технологияси ихтисослиги бўйича илмий мактаб яратилиб, С.Тухтаев, Б.М. Беглов, Б.С. Закиров, Ш.С. Намазов, Х. Кучаров, М.К. Аскарова, С.М. Тажиев, А.У. Эркаев ва бошқа намоёндалари кимё-технология фанининг ривожига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган.

А.И. Имамалиев, Т.С. Закиров, Н.Н. Мельников, А.М. Пругалов, Л.Д. Стонов, К.Е. Овчаров, Н.Ф. Зубкова, Р.С. Назаров, Ш.Ж. Тешаев, Ф.Х. Хошимов, Ф.Ж. Тешаев каби етакчи олимлар ғўза дефолиацияси самарадорлигига турли ташқи омиллар ва агротехник тадбирларнинг таъсирини ўрганган ва улар ҳозирги вақтга келиб соҳа ривожининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Дунёда Jaуms Cost, Loston Rowe, J. Dan Smit, Ch.S. Wulyams, J.C. Suttle, F.R.H. Katterman, W.C. Hall, L.C. Brown, C.L. Rhyne, Yo Gan каби олимлар органик моддалар асосида дефолиантлар олиш ва ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борган.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан натрий хлорати, озиклантирувчи моддалар, инсектицидлар ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида янги дефолиантлар олиш технологиясини яратиш бўйича ҳозирга қадар илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ушбу диссертация ишида натрий хлорати, инсектицидлар, озиклантирувчи ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида, кам захарли, кўп функцияли таъсир этувчи кимёвий препаратларни олиш, уларни пахтачиликда ва шолчиликда қўллаш, ҳамда қишлоқ хўжалигида ҳосилни пишиб етилишини тезлаштирувчи, ҳосилдорликни оширувчи ва йиғим-терим муддатини қисқартирувчи препаратларни яратиш орқали бартараф этиш имконини беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг (2006-2008 йй.) А6-108 “Маҳаллий хом ашё асосида комплекс таъсир этувчи, самарадорли дефолиант синтези ва олиниш технологиясини илмий асосларини ишлаб чиқиш” ва 2009-2011 йилларда Давлат илмий-техникавий дастурига кирган ФА-А6-ТО72 “Физиологик фаол хусусиятга эга, юқори самарадорли, кам захарли янги дефолиантларни

технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш” мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** натрий хлорати, озуклантирувчи, физиологик фаол моддалар ва инсектицидлар асосида шolini пишиб етилишини тезлаштирувчи препаратларни ва ғўзада инсектицид фаол хусусиятга эга бўлган дефолиантларни олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

монокарбамид натрий хлорати, натрий иккикарбамид хлорати, ацетат моноэтаноламмоний, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув, ацефат, ацетамиприд, этанол ва циперметриндан ташкил топган сувли системлардаги эритмаларнинг ўзаро эрувчанлигини ва реологик хоссаларини кенг ҳарорат ва концентрация оралиғида ўрганиш;

янги каттик фазаларни ҳосил бўлиш майдонларини ҳарорат ва концентрацияга боғлиқ ҳолда чегаралаш, таркибини аниқлаш, уларни идентификациялаш;

натрий хлорат, карбамид, ацетат моноэтаноламмоний, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув, ацефат, ацетамиприд, этанол ва циперметринлар асосида дефолиантлар олиш жараёнини асослаш мақсадида системаларнинг эрувчанлик диаграммаларини ва «таркиб-хосса»ларини ўрганиш;

пахта ва шoли ўсимлиги учун комплекс таъсир этувчи янги дефолиантларни олишни мақбул шароитларини ва сифатли дефолиант таркибларини аниқлаш;

натрий хлорати, озуклантирувчи моддалар, инсектицидлар ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида дефолиантлар олишни принципиал технологик схемасини ишлаб чиқиш ва мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш, таклиф этилган технология асосида катталашган лаборатория ва тажриба-саноатида ишлаб чиқариш;

олинган дефолиантларни ғўзада агрокимёвий, биологик самарадорлигини ва донли ўсимликларда биометрик анализ натижаларини кичик ва катта дала тажриба майдонларида баҳолаш ва физик-кимёвий ва реологик хоссаларини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** натрий хлорат, карбамид, сирка кислота, фосфат кислота, ацетат моноэтаноламмоний, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув, ацефат, ацетамиприд, этанол ва циперметрин.

**Тадқиқотнинг предмети** республикамизда мавжуд бўлган натрий хлорати, физиологик фаол моддалар, этилен ҳосил қилувчи моддалар ва ишлатишга рухсат этилган инсектицидлар асосида самарадорли, юмшоқ таъсир этувчи янги дефолиантларни яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда визуал-политермик, пикнометрли, изомоляр, аналитик, термик, ИҚ – спектр, рентгенфазали ва рентгеноструктур таҳлил усулларида фойдаланилган. Визкозиметр ВПЖ ёрдамида эритманинг ковушқоқлиги текширилди, рН ни аниқлашда



МЕТTLER TOLEDO FE 20/ FG 2 рН метрда ва синдириш кўрсаткичини БМ модели ИРФ 454 рефрактометрида аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сув, натрий хлорат, карбамид, сирка кислота, фосфат кислота, ацетат моноэтаноламмоний, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув, ацефат, ацетамиприд, этанол ва циперметринлар иштирокида системаларнинг эрувчанлиги асосида “таркиб-хосса” ва политермик эрувчанлик диаграммалари яратилган;

учта янги бирикма  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ,  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$  ва  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$  олинди, моддалар замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида мавжудлиги аниқланган;

системаларда эритманинг физик-кимёвий хоссалари (кристалланиш харорати, қовушқоқлик, синдириш кўрсаткичи, зичлик ва рН мухити) ўзгариши харорат ва жараённинг давомийлигига боғлиқлиги аниқланган;

60% ли монокарбамид натрий хлорати эритмаси 49 % ли фосфат карбамидмоноэтаноламмоний эритмаси ва 36 % ли фосфат карбамидаммонийларни синтез қилишни мақбул шароитлари аниқланди;

физиологик фаол моддалар асосида ғўза ва шоли ўсимлиги учун комплекс таъсир этувчи дефолиантларни мақбул таркиблари аниқланди ва олиш жараёнларини технологик тизимлари, ҳамда уларни олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

янги дефолиантларни ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ва технологик схемаси ишлаб чиқилди, ҳамда жараённинг мақбул меъёрлари таклиф этилди;

«Фарғонаазот» АЖ тажриба-саноатида 280 кг янги дефолиант намуналари ишлаб чиқарилди, дефолиантлар агрокимёвий синовлардан ўтказилди, ҳамда ғўзада ва шолида дефолиантларни қўллашнинг тавсиялари ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгеноструктур, рентгенфазали, термик, кузатув-политермик) таҳлил натижалари ва катталаштирилган тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади, ҳамда таклиф этилган препаратларни қишлоқ хўжалигида пахтада ва шолида самарали дефолиантлар сифатида қўллашга тавсия этилади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таркибида монокарбамид натрий хлорати, натрий иккикарбамид хлорати, ацетат моноэтаноламмоний, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув, ацефат, ацетамиприд, этанол ва циперметриндан иборат бўлган сувли мураккаб системалардаги компонентларнинг ўзаро эрувчанлиги ва таъсирлашуви бўйича янги маълумотлар олинган. Олинган илмий натижалар янги дефолиантлар олиш технологиясини яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти дефолиацияловчи, физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган суяқ дефолиантлар

олиш технологияси ишлаб чиқилди, мақбул технологик кўрсаткичлари аниқланди, ғўзада ва шолида қўллашга тавсия этилди. Компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви тавсифланди ва ҳосил бўлган янги бирикмалар аниқланди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Натрий хлорати, озклантирувчи моддалар, инсектицидлар ва этилен ҳосил қилувчи моддалар асосида, комплекс таъсир этувчи дефолиантлар олиш технологияси ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилиб олинган дефолиантлар Тошкент вилояти фермер хўжаликларида кенг пахта майдонларида жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 27 мартдаги 02/23-176 сон маълумотномаси). Натижада ушбу дефолиантлар ўрта толали ғўза навларига қўлланилганда, кўсақларни очилиши 87,5-90,6% ни, барглари тўкилиши 87,6-90,4% ни ташкил этган, сурувчи зараркунандаларни 98,5-99,6% га йўқотиш имконини берган;

олинган янги “Фанбарака” препарати Тошкент вилояти шоли дала майдонларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 27 мартдаги 02/23-176 сон маълумотномаси). Натижада ушбу препарат шолида қўлланилганда 1000 дона шоли донини оғирлиги 31,68÷31,98 грамни ташкил этиб, назоратга нисбатан шоли ҳосилдорлиги 1,9÷3,6 ц/га ортиш имконини берган;

инсектицидли дефолиантларни олиш технологияси «Farg‘onaazot» АЖда амалиётга татбиқ этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 29 январдаги 01/3-419/П-сон маълумотномаси). Натижада қўлланилган дефолиантлар, ҳозирда ишлатилаётган суюқ магний хлорат дефолиантига нисбатан ғўза ҳосилни пишиб етилишини тезлаштириб, ҳосилдорликни оширишга ва зараркунандаларни йўқотиш имконини берган;

янги “Фанбарака” препарати ишлаб чиқариш технологияси «Farg‘onaazot» АЖда амалиётга татбиқ этилган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2018 йил 29 январдаги 01/3-419/П-сон маълумотномаси). Натижада препарат республикамизнинг шоли майдонларида қўлланилганда шоли ҳосилини бир вақтда пишиб етилишини таъминлаб, ҳосилдорликни назоратга нисбатан 1,9÷3,6 ц/га ортиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 10 таси Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган 202 номдаги адабиётлар рўйхатидан ва

иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 183 бетни ташкил этиб, 41 та расм ва 50 та жадваллардан иборат.

## ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республикамиз фан ва технологияси тарақиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қишлоқ хўжалиги экинлари хосилини дастлабки теримга тайерлаш учун қўлланиладиган кимёвий препаратлар»** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи, шунингдек пахтачиликда ва қишлоқ хўжалигида дефолиантлар ва десикантларни олиш ва қўллашнинг тафсилотлари ва ҳозирги кунда республикада фойдаланилаётган инсектицидлар келтирилган. Хлорат тутган дефолиантларнинг олиниш усуллари ва технологиялари кўриб чиқилган. Илмий адабиётлар шарҳида ғўзани баргини тўкиш, кўсақларни пишиб етилиши ва очилишини тезлаштирувчи, ҳамда сурувчи зараркунандаларни йўқотувчи янги самарали дефолиантларни олиш келтирилган.


Маҳаллий хом-ашёлар асосида юқори самарадорли арзон дефолиантларни синтез қилиш ва натрий хлорати, озиклантирувчи моддалар, инсектицидлар ва этилен хосил қилувчи моддалар асосида ғўзага комплекс таъсир этиш хусусиятига эга бўлган дефолиантларни олиниш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича адабиётлар таҳлили натижасида ҳулосалар қилинди.

Диссертациянинг **«Натрий иккикарбамид хлорати, ацетат моноэтаноламмоний, ацефат, ацетамиприд, этанол ва циперметринлар иштирокидаги сувли системаларни тадқиқ этиш»** деб номланган иккинчи бобида бир вақтнинг ўзида физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган дефолиантлар олишни технологик жараёнларини физик-кимёвий асослаш мақсадида, таркибида натрий иккикарбамид хлорати билан ацетат моноэтаноламмоний ва инсектицидларни кенг харорат ва концентрация оралиғида сувли системаларда компонентларни эрувчанлигини ўрганиш бўйича натижалар келтирилган.

Ацетат моноэтаноламмоний моноэтаноламин ва сирка кислотасини 1:1 мол нисбатида ўзаро механик аралаштиргич ёрдамида жадал аралаштириб синтез қилиб олинди. Моноэтаноламин оз-оздан аста-секинлик билан қўшиб борилди. Реакцияда компонентларни ўзаро таъсирлашуви экзотермик бўлиб, реакция 20°C хароратда совутиш орқали олиб борилди. Натижада ацетат моноэтаноламмонийнинг рангсиз призма шаклидаги кристаллари ҳосил бўлди. Олинган  $\text{CH}_3\text{COOH}\cdot\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$  бирикманинг индивидуаллиги кимёвий, рентгенофазовий, термик ва рентгеноструктур анализ усуллари ёрдамида аниқланди.

Ацетат моноэтаноламмонийнинг индивидуаллиги рентгеноструктур анализ усули ёрдамида мавжудлиги тасдиқланди. Анализ Oxford Diffraction ( $\text{CuK}\alpha$ -тарқалиш, графит монокроматорли) дифрактометрда ўтказилди. Бирикманинг структураси SHELXS-97 комплекс дастур ёрдамида ва унинг аниқлиги SHELXL-97 усуллари ёрдамида расшифровка қилинди.

1-расмда ацетат моноэтаноламмоний кристалларини текисликдаги фазовий структураси келтирилган. Карбоксил грухидаги кислород (O 0,003) биринчи моноэтаноламин молекуласини (O 0,001) ва (N 0,004) атомлари билан водород боғланиш орқали боғланиб, боғнинг узунлиги 2,700 ва 2,796  $\text{Å}$  га тенг. (O 0,002) атоми моноэтаноламин молекулаларини биринчи (N 0,004) атоми ва иккинчи (N 0,004) атоми билан водород боғланиш орқали ҳосил бўлади.  $\text{COO}^-$  гурухидаги ягона кислород атоми моноэтаноламинни биринчи ва иккинчи молекулалари билан бир вақтда водород боғланиш орқали боғланади.



**1-расм. Ацетат моноэтаноламмоний кристали структураси**

Бирикма кристаллининг структураси мураккаб занжирли бўлиб, водород боғланиш орқали боғланган (1-жадвал). Ушбу чексиз занжирда O...H...O водород боғларнинг узунлиги O...O 2,700  $\text{Å}$  ва O...H (H00F; H00E; H00D)...N (O...N) 2,783 (4); 2,835 (4); 2,797 (4)  $\text{Å}$  га тенг.

**1-жадвал**

**Ўрганилган геометрик структурани водород боғлари,  
оралиқ масофаси  $\text{Å}$**

Боғ	D-H	H...A	D...A
O001 -- H00 .. O003	0,8200	1,8800	2,700(4)
N004 -- H00F .. O002	0,88(2)	1,91(2)	2,783(4)
N004 -- H00E .. O002	0,86(3)	2,02(3)	2,835(4)
N004 -- H00D .. O003	1,09(4)	1,72(4)	2,797(4)

$\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$  системани музлаш ҳарорати  $-59,1^\circ\text{C}$  дан  $60,0^\circ\text{C}$  оралиқда ўрганилди, дастлабки моддаларнинг ва  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$  таркибли бирикманинг кристалланиш майдонлари чегараланди, моддаларнинг индивидуаллиги кимёвий ва физик-кимёвий анализ усуллари ёрдамида мавжудлиги тасдиқланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH} - \text{H}_2\text{O}$ системанинг асосий нуқталари


Суюқ фаза таркиби, %			Крист. хар., °C	Қаттиқ фаза
$\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2$	$\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$	$\text{H}_2\text{O}$		
70,0	-	30,0	9,0	$\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2$
64,8	7,4	27,8	8,0	-//-
48,0	-	52,0	-20,8	Муз + $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$
27,4	43,6	29,0	-59,1	Муз + $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$
29,4	42,0	28,6	-37,0	$\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$
22,9	44,0	33,1	-55,6	Муз + $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$
6,0	54,0	40,0	-51,8	Муз + $\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH} + \text{CH}_3\text{COOH}$
-	55,6	44,4	-50,4	Муз + $\text{CH}_3\text{COOH}$
4,8	57,0	38,2	-47,4	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$
8,8	71,0	20,2	-30,6	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH} + \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$
-	78,0	22,0	-26,0	$\text{CH}_3\text{COOH} + \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$
11,0	73,0	16,0	-13,9	$\text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH} + \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$

Натрий иккикарбамид хлорат, ацетат моноэтаноламмоний, N - ацетамид - O,S - диметилтиофосфат, этанол, ацетамиприд ва циперметринлар асосида янги синф дефолиантларини олиш жараёнларини физик-кимёвий асослаш мақсадида 10 та мураккаб таркибли ситемаларда компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви кузатув-политермик усулда кенг харорат оралиғида ўрганилди. Уларнинг политермик эрувчанлик диаграммалари қурилди. Ўрганилган ситемаларда янги кимёвий бирикмалар ҳосил бўлмаслиги аниқланди. Ушбу ситемаларда компонентлар ўзининг индивидуаллигини ва физиологик фаоллигини сақлаб қолади. Ситемалар оддий эвтоник типга мансуб.

[99,65 %  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 0,35$  %  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$ ] -  $\text{C}_4\text{H}_{10}\text{NO}_3\text{PS} - \text{H}_2\text{O}$  эрувчанлик ситемаси саккизта ички кесимлар ёрдамида

ўрганилди. Икки компонентли системалар ва ички кесимлар ёрдамида [99,65 %  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 0,35$  %  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$ ] -  $\text{C}_4\text{H}_{10}\text{NO}_3\text{PS}$  -  $\text{H}_2\text{O}$  системанинг эрувчанлик диаграммаси эвтектик нуқта  $-25,4^\circ\text{C}$  дан дастлабки компонентларни суюқланиш харорати оралиғида қурилди, диаграммада музнинг, карбамиднинг, натрий иккикарбамид хлоратининг ва N - ацетамид - O,S - диметилтиофосфатларнинг кристалланиш майдонлари ажратилди. Ушбу система оддий эвтоник типга мансуб. Системада компонентлар ўзининг индивидуаллигига ва сувда яхши эрувчанлигига эгадир.

[99,65 %  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 0,35$  %  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$ ] - [90 %  $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH} + 10$  %  $\text{C}_{10}\text{H}_{11}\text{ClN}_4$ ] -  $\text{H}_2\text{O}$  система компонентларининг эрувчанлиги  $-23,2^\circ\text{C}$  дан  $32,0^\circ\text{C}$  харорат оралиғида политемик диаграммаси қурилди. Диаграммада музнинг,  $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ,  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ,  $\text{C}_{10}\text{H}_{11}\text{ClN}_4$  ва  $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$  нинг кристалланиш майдонлари аниқланди (2-расм).



2-расм. [99,65%  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 0,35$  %  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$ ] - [90 %  $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH} + 10$  %  $\text{C}_{10}\text{H}_{11}\text{ClN}_4$ ] -  $\text{H}_2\text{O}$  эрувчанлик системасининг политемик диаграммаси

[99,65 %  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 0,35$  %  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$ ] - [95 %  $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH} + 5$  %  $\text{C}_{22}\text{H}_{19}\text{Cl}_2\text{NO}_3$ ] -  $\text{H}_2\text{O}$  системада компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви 11 та ички кесимлар ёрдамида ўрганилди. Икки компонентли системалар ва ички кесимлар асосида [99,65 %  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 0,35\%$   $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} \cdot \text{CH}_3\text{COOH}$ ] - [95 %  $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH} + 5$  %  $\text{C}_{22}\text{H}_{19}\text{Cl}_2\text{NO}_3$ ] -  $\text{H}_2\text{O}$  системанинг эвтектик нуқтаси  $-24,8^\circ\text{C}$  дан  $50^\circ\text{C}$  харорат оралиғида эрувчанлик диаграммаси қурилди, диаграммада музнинг, карбамиднинг, натрий иккикарбамид хлоратнинг, циперметриннинг ва этанолнинг кристалланиш майдонлари чегараланди.


Диссертациянинг “Ўрганилган системалар асосида дефолиантлар олиш” деб номланган учунчи бобида натрий иккикарбамид хлорат (ДКХН), ацетат моноэтаноламмоний (АМЭА), ацефат, этанол, ацетамиприд ва циперметринлар асосида физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган дефолиантлар олиш келтирилган.

Ацетат моноэтаноламмоний эритмасини олиш жараёнини асослаш мақсадида, сирка кислотасини моноэтаноламин билан нейтраллаш жараёнида, моноэтаноламинни қўшиш тезлигини, моноэтаноламинни парчаланиши харорат ва жараённи давомийлигига боғлаб ўрганилди. 80% -ли ацетат моноэтаноламмоний эритмасини олишни мақбул меёрлари ишлаб чиқилди, яни 66,48 % - ли сирка кислотасини нейтраллаш жараёнида, моноэтаноламинни қўшиш тезлиги 0,15-0,20 дм<sup>3</sup>/с, 20°С хароратда жадал аралаштириб олиб бориш таклиф этилди ва бу шароитда моноэтаноламин энг кам микдорда парчаланиб 0,292 % дан ошмади.

Ўрагилган системалар ва агрокимёвий синов натижалари асосида дефолиантларнинг мақбул таркиблари таклиф этилди, унда компонентларни масса нисбатлари қуйидагича: {70 % [99,65 % натрий иккикарбамид хлорат + 0,35 % ацетат моноэтаноламмоний] (ДКХНА) + 30 % сув}: ацефат (И<sub>1</sub>) 1:0,0064; {70 % ДКХНА + 30 % сув}: [90 % этанол + 10 % ацетамиприд] (И<sub>2</sub>) 1:0,0054; {70 % ДКХНА + 30 % сув}: [95 % этанол + 5 % циперметрин] (И<sub>3</sub>) 1:0,013.

Натрий иккикарбамид хлорат, ацетат моноэтаноламмоний, ацефат, этанол, ацетамиприд ва циперметринлар асосида дефолиацияловчи, физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган дефолиантлар олишни технологик жараёнларини асослаш мақсадида, [70 % (99,65 % NaClO<sub>3</sub>·2CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> + 0,35% NH<sub>2</sub>C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>OH·CH<sub>3</sub>COOH) + 30% H<sub>2</sub>O] - C<sub>4</sub>H<sub>10</sub>NO<sub>3</sub>PS; [70% (99,65% NaClO<sub>3</sub>·2CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> + 0,35% NH<sub>2</sub>C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>OH·CH<sub>3</sub>COOH) + 30 % H<sub>2</sub>O] - [90 % C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>OH + 10 % C<sub>10</sub>H<sub>11</sub>ClN<sub>4</sub>]; [70 % (99,65% NaClO<sub>3</sub>·2CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> + 0,35% NH<sub>2</sub>C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>OH·CH<sub>3</sub>COOH) + 30 % H<sub>2</sub>O] - [95,0% C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>OH + 5,0% C<sub>22</sub>H<sub>19</sub>Cl<sub>2</sub>NO<sub>3</sub>] ситемаларда компонентларнинг нисбати (кристалланиш харорати, рН, зичлик, қовушқоқлик ва синдириш кўрсаткичи)га боғлаб, эритманинг физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Эритманинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишдан олинган маълумотлар асосида “таркиб-хосса” диаграммалари курилди.

3-расмда келтирилган диаграммада [70 % (99,65 % NaClO<sub>3</sub>·2CO(NH<sub>2</sub>)<sub>2</sub> + 0,35 % NH<sub>2</sub>C<sub>2</sub>H<sub>4</sub>OH·CH<sub>3</sub>COOH) + 30 % H<sub>2</sub>O] («С<sub>0</sub>» нуқта) эритмасига 10 % -ли ацетамиприднинг спиртдаги эритмасини («И<sub>2</sub>» нуқта) эритиш натижасида кристалланиш харорати, рН, зичлиги ва синдириш кўрсаткичини пасайиши, қовушқоқликни эса аста – секин ошиши кузатилади. 70 % - ли натрий иккикарбамид хлорати ва ацетат моноэтаноламмоний («С<sub>0</sub>» нуқта) эритмасига 10 % - ли ацетамиприднинг спиртдаги («И<sub>2</sub>» нуқта) эритмасини эритишда, компонентларни масса нисбати 1,0:0,0054 бўлган, (А<sub>2</sub> нуқта) таъсир қилувчи моддаси 70,16 % -ли физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган дефолиант олинди.




**3-расм. [70% (99,65%  $NaClO_3 \cdot 2CO(NH_2)_2$  + 0,35%  $NH_2C_2H_4OH \cdot CH_3COOH$ ) + 30%  $H_2O$ ] - [90%  $C_2H_5OH$  + 10%  $C_{10}H_{11}ClN_4$ ] системада эритмаларнинг физик-кимёвий хоссалари 1- кристалланиш ҳарорати, 2-зичлиги, 3 -қовушқоқлик, 4- pH, 5-синдириш кўрсаткичи ўзгаришини компонентлар таркибига боғлиқлиги**

70 % (99,65 %  $NaClO_3 \cdot 2CO(NH_2)_2$  + 0,35 %  $NH_2C_2H_4OH \cdot CH_3COOH$ ) + 30 %  $H_2O$ ] - [95 %  $C_2H_5OH$  + 5 %  $C_{22}H_{19}Cl_2NO_3$ ] система эритмасининг таркиб-хосса диаграммасини таҳлил қилиш натижасида, ацефатни (« $I_3$ » нуқта) 70 %-ли натрий иккикарбамид хлорати ва ацетат моноэтаноламмоний (« $C_0$ » нуқта) эритмасига қўшиб бориш тартибида кристалланиш ҳарорати, зичлик ва pH ни бир текис пасайиши, қовушқоқлиги ва синдириш кўрсаткичини эса аста – секин ошиши кузатилди. « $C_0$ : $I_3$ » ни 1:0,013 нисбатида физик-кимёвий хоссалари, физиологик ва инсектицид хусусиятлари юқори бўлган « $A_3$ » нуқта эритма таркиби 69,10% [99,65% ДКХН + 0,35% АМЭА], 1,28% [95 %  $C_2H_5OH$  + 5 %  $C_{22}H_{19}Cl_2NO_3$ ] ва 29,62 %  $H_2O$  аниқланди. Ушбу олинган суяқ маҳсулот « $A_3$ » нуқта карбамиднинг кристалланиш майдонида жойлашган бўлиб, унинг кристалланиш ҳарорати 7,8°C, зичлиги 1,395 г/см<sup>3</sup>, pH 7,48 ва қовушқоқлиги 3,93 мм<sup>2</sup>/с ташкил этади. Таклиф этилган таркибни хоссаларини инобатга олган ҳолда пахтачиликда сифатли дефолиант сифатида тавсия этилди.

Ўрганилган системалар ва эритманинг физик – кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш натижалари асосида, физиологик фаол ва инсектицид хусусиятга эга бўлган дефолиантлар олишни принципиал технологик схемаси ишлаб чиқилди (4-расм).





1,12,16,23 – реакторлар, 2,11,13,14,17,22,24 - сарф ўлчагич, 3,6- транспортёр, 4,7,18,25 - бункер, 5,8- тасмали оғирлик ўлчагич, 9- жўмрак, 10,15,20 – оралиқ йиғгич, 21- марказдан қочма насос, 19,26- оғирлик дозатори, 27- қадоқлаш ускунаси

**4-расм. Натрий иккикарбамид хлорат, ацетат моноэтаноламмоний, ацефат, этанол ва ацетамиприд (ёки циперметрин)лар асосида дефолиантлар олишнинг принципиал технологик тизими**

Технологик жараённинг асосий босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- 52,3 % - ли натрий хлорат эритмасини тайёрлаш;
- 70 % - ли натрий иккикарбамид хлорати эритмасини тайёрлаш;
- 80 % - ли ацетат моноэтаноламмоний эритмасини олиш;
- 10 % - ли ацетамипридни спиртдаги эритмасини (ёки 5 % - ли циперметринни спиртдаги эритмасини) тайёрлаш;
- реакторга 70 % - ли натрий иккикарбамид хлорати эритмасини юклаш;
- реакторга 80 % - ли ацетат моноэтаноламмоний эритмасини юклаш;
- таркибида ацефат бўлган дефолиант олиш;
- таркибида ацетамиприд (ёки циперметрин) бўлган дефолиант олиш;
- тайёр маҳсулотни қадоқлаш.

Олинган дефолиантларни физик-кимёвий кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

Таклиф этилган технология асосида натрий иккикарбамид хлорат, ацетат моноэтаноламмоний, ацефат, этанол, ацетамиприд ва циперметринлар иштирокида, катталаштирилган лаборатория шароитида дефолиантларни тажриба намуналари 30 кг миқдорда ишлаб чиқарилди.

## 3-жадвал

**Натрий иккикарбамид хлорат, ацетат моноэтаноламмоний, ацефат, этанол ва ацетамиприд (циперметрин) асосида олинган суюқ дефолиантларни физик-кимёвий кўрсаткичлари**

Кўрсаткичларининг номланиши	Нормалари		
	ДКХН, АМЭА ва ацефат асосида олинган дефолиант	ДКХН, АМЭА, этанол ва ацетамиприд асосида олинган дефолиант	ДКХН, АМЭА, этанола ва циперметрин асосида олинган дефолиант
Ташқи кўриниши	оч сарғиш тусли рангсиз суюқлик		
Дикарбамидохлорат натрийнинг масса улуши, % кам эмас	69,31	69,38	68,86
Ацетат моноэтаноламмонийнинг масса улуши, % кам эмас	0,24	0,24	0,24
Ацефатнинг масса улуши, % кам эмас	0,64	-	-
Ацетамиприднинг масса улуши, % кам эмас	-	0,054	-
Циперметриннинг масса улуши, % кам эмас	-	-	0,064
Этанолнинг масса улуши, % кам эмас	-	0,486	1,216
Сувнинг масса улуши, % кам эмас	29,81	29,84	29,62
Зичлик, г/см <sup>3</sup>	1,399	1,396	1,395
Кристалланиш харорати, (°С.)	7,6	7,8	7,8


Диссертациянинг «Таркибида натрий хлорат, монокарбамид натрий хлорати, натрий иккикарбамид хлорати, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув ва этанол бўлган сувли системаларни тадқиқ этиш» деб номланган тўртинчи бобида натрий хлорат, монокарбамид натрий хлорати, натрий иккикарбамид хлорати, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув ва этанолларни, сувли системалари ўрганилган ва тахлил натижалари келтирилган.

Янги синф дефолиантларини олишни физик-кимёвий асослаш мақсадида компонентларнинг ўзаро таъсирлашуви қуйдаги системаларда:  $\text{NaClO}_3 - \text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{H}_2\text{O}$ ;  $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{C}_2\text{H}_5\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$ ;  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{C}_2\text{H}_5\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$ ;  $\text{NaClO}_3 \cdot 2\text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{C}_2\text{H}_5\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$ ;  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 - [25\% \text{NH}_3 + 75\% \text{H}_2\text{O}] - \text{H}_2\text{O}$  кузатув-политермик усулида кенг харорат ва концентрация оралиғида ўрганилди.

$\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 - \text{C}_2\text{H}_5\text{OH} - \text{H}_2\text{O}$  системада компонентларни эрувчанлиги  $-71,2$  дан  $37,2$  °С харорат оралиғида ўрганилди. Икки компонентли системалар ва ички кесимлар ёрдамида эрувчанлик политермик диаграммаси қурилди, фазавий диаграммада музнинг, карбамиднинг, монокарбамид натрий хлоратининг, икки сувли этанолнинг ва бир сувли этанолнинг кристалланиш майдонлари чегараланди.

$\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  - [25 %  $\text{NH}_3$  + 75 %  $\text{H}_2\text{O}$ ] -  $\text{H}_2\text{O}$  системаси еттита ички кесимлар ёрдамида ўрганилди. Улардан I-III кесмлар  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ -  $\text{H}_2\text{O}$  томонидан  $\text{NH}_3$  учуга, IV-VII кесмлар  $\text{NH}_3$  -  $\text{H}_2\text{O}$  томонидан  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  учуга ўтказилиб тадқиқ қилинди. Олинган натижалар асосида эвтектик нуқтанинг музлаши  $-23,6$  дан  $30,8^\circ\text{C}$  оралиғида политемик эрувчанлик диаграммаси қурилди, диаграммада музнинг, фосфат карбамиднинг, аммоний дигидрофосфатнинг, аммоний гидрофосфатнинг ва аммоний фосфатнинг кристалланиш майдонларини ҳосил бўлиши билан тавсифланади.


[98 %  $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  + 2 %  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ] -  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$  -  $\text{H}_2\text{O}$  эрувчанлик системаси эвтектик нуқтанинг музлаши  $-52,0$  дан  $19,2^\circ\text{C}$  оралиқда ўрганилди (5-расм). Ён томондаги системалар ва ички кесимлар маълумотлари асосида системанинг политемик диаграммаси қурилди, диаграмма дастлабки компонентларнинг кристалланиш майдонларини ҳосил бўлиши билан тавсифланади. Ўрганилган система оддий эвтоник турга мансуб бўлиб, компонентлар ўзининг индивидуаллигини сақлаб қолади.



**5-расм. [98 %  $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  + 2 %  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ] -  $\text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$  -  $\text{H}_2\text{O}$  системанинг политемик эрувчанлик диаграммаси**

[98 %  $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  + 2 %  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ] - [25 %  $\text{NH}_3$  + 75 %  $\text{H}_2\text{O}$ ] -  $\text{H}_2\text{O}$  система тўққизта ички кесимлар ёрдамида ўрганилди (6-расм). Ён томондаги системалар ва ички кесимлар натижалари асосида системанинг политемик диаграммаси  $-32,6$  дан  $50,0^\circ\text{C}$  харорат оралиғида қурилди. Фазавий диаграммада музнинг, карбамиднинг, монокарбамид натрий хлоратининг ва аммоний фосфатнинг кристалланиш майдонлари чегараланди.

[98%  $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  +  
2%  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ], масс. %



6-расм. [98 %  $\text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$  + 2 %  $\text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2$ ] - [25 %  $\text{NH}_3$  + 75 %  $\text{H}_2\text{O}$ ] -  $\text{H}_2\text{O}$  системанинг политермик эрувчанлик диаграммаси

Диссертациянинг “Монокарбамид натрий хлорат, фосфат карбамид, моноэтаноламин, аммиакли сув ва этанол асосида дефолиантлар олиш” деб номланган бешинчи бобда сувли системаларнинг тадқиқот маълумотлари ва юқорида кўрсатилган компонентлар асосида кўп функцияли дефолиантлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш натижалари келтирилган.

Монокарбамид натрий хлорат олишнинг мақбул шароитини аниқлаш мақсадида жараённинг кинетик кўрсаткичлари харорат ва вақтга боғлиқлиги ўрганилди. Технологияда карбамидни натрий хлорат эритмасида эриш кинетикаси 30÷50°C харорат оралиғида ўрганилди. 60%-ли монокарбамид натрий хлорат эритмасини олишни мақбул шароити 30-40°C хароратда олиб бориш аниқланди.

Фосфат карбамидаммоний (ФКА) ва фосфат карбамидмоноэтаноламмоний (ФКМЭА) эритмасини олиш учун, 40 % - ли фосфат карбамид эритмасини аммиакли сув ва моноэтаноламин билан нейтраллаш жараёни, моноэтаноламин ёки аммиакли сувни бериш тезлигига ва хароратга боғлаб ўрганилди. 49 % - ли фосфат карбамид моноэтаноламмоний ёки 36 % - ли фосфат карбамид аммоний эритмаларини синтез қилиб олишнинг мақбул шароитлари аниқланди. 40 % - ли фосфат карбамидни аммонийлаш, моноэтаноламин ёки аммиакли сувни бериш тезлиги 0,15-0,20  $\text{дм}^3/\text{с}$  бўлган 20°C хароратда жадал аралаштириб олиб бориш мақбулигини кўрсатди, бунда моноэтаноламин ёки аммиакни пачаланиши мос равишда 0,283%; 0,291% дан ошмади.


Фосфат карбамидаммоний ва фосфат карбамидмоноэтанолламмоний эритмаларини олиш жараёнини асослаш учун  $[40\% \text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 60\% \text{H}_2\text{O}] - \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH}$  ва  $[40\% \text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 60\% \text{H}_2\text{O}] - [20\% \text{NH}_3 + 80\% \text{H}_2\text{O}]$  системаларда компонентларни ўзаро таъсирлашуви ва эритмани физик-кимёвий хоссалари ўрганилди. Системаларда эритманинг кристалланиш ҳарорати, қовушқоқлик, зичлик ва рН нинг ўзгариши компонентларни таркибига боғлиқлиги ўрганилди. 40 %-ли фосфат карбамидга 15 % моноэтанолламин ва 20 % аммиакли сув қўшилганда, яхши физик-кимёвий хоссаларга эга бўлган фосфат карбамидмоноэтанолламмоний ва фосфат карбамидаммоний эритмаси ҳосил бўлади, бу эритма мос равишда рН муҳити 4,0 ва 6,10, зичлиги 1,214 ва 1,188 г/см<sup>3</sup>, кристалланиш ҳарорати -17,0 ва 4,0°С ва қовушқоқлиги 3,9 ва 2,15 мм<sup>2</sup>/с ни ташкил этади.

Янги самарали дефолиантлар олиш жараёнини ишлаб чиқиш ва физик-кимёвий асослаш учун  $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - [34\% \text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 15\% \text{NH}_2\text{C}_2\text{H}_4\text{OH} + 51\% \text{H}_2\text{O}]$  ва  $[60\% \text{NaClO}_3 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 40\% \text{H}_2\text{O}] - [32\% \text{H}_3\text{PO}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 + 4\% \text{NH}_3 + 64\% \text{H}_2\text{O}]$  системаларнинг таркиб-хосса диаграммаларида эритманинг физик-кимёвий хоссаларини ўзгариши компонентларнинг миқдорига боғлиқлиги ўрганилди.

Ўрганилган таркиб-хосса системалари ва агрокимёвий синов натижалари асосида, компонентлар таркиби 60 % - ли монокарбамид натрий хлоратини фосфат карбамидмоноэтанолламмонийга (фосфат карбамид-аммонийга) масса нисбатлари 1,0:0,02 бўлган мақбул дефолиант таркиблари аниқланди.

